



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 17 » декабрь

№ 793

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 1 июлдаги ПҚ-4771-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 1 июлдаги ПҚ-4771-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхоналари негизида Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Марказнинг ҳуқуқий мақоми ва тузилмаси;

Марказ ва унинг ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари;

Марказ раҳбарларининг асосий функционал вазифалари, шу жумладан директор ўринбосарининг соҳа йўналишлари бўйича асосий вазифалари ҳамда жавобгарлиги;

Марказ фаолиятининг ташкилий асослари, ҳисобдорлиги, фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари, ҳайъат ва бошқа маслаҳат, консультатив ва эксперт органларининг ҳуқуқий мақоми;

Марказ фаолиятини молиялаштириш, ходимларини ижтимоий кўллаб-куватлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х. Бекенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “**17** декабр” даги **793** сон қарорига
ицловга

**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш
агентлиги хузуридаги Бўш турган обьектлардан самарали
фойдаланишни ташкил этиш маркази тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) хузуридаги Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хукуклари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартиби, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари, хукуклари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Марказ бўш турган обьектларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни, шу жумладан давлат мулкини ижарага беришни ташкил этиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва бевосита Агентликка бўйсунади.

3. Агентлик Марказ фаолиятини мувофиқлаштиради, назорат қилади ва унга умумий раҳбарликни амалга оширади, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради, ходимларининг малакасини оширишни ташкил этади.

4. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Агентликнинг ҳайъати қарорларига, буйруқларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Марказнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Марказ юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига шахсий газна ҳисобваракларига, банк ҳисобваракларига, шу жумладан хорижий валютадаги банк ҳисобваракларига эга бўладилар.

7. Марказнинг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази;

қисқартирилган номи – Бўш турган объектлар маркази;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Центр по организации эффективного использования пустующих объектов при Агентстве по управлению государственными активами Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – Центр по пустующим объектам.

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Center for organizing effective use of empty facilities under the State Assets Management Agency of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – Center on empty facilities.

8. Марказ жойлашган жой (пошли манзили): 100060, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 6-йи.

2-боб. Марказ тузилмаси

9. Марказ тузилмасига қўйидагилар киради:

Марказ марказий аппарати (кейинги ўринларда – марказий аппарат);

Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бошқармалари (кейинги ўринларда – худудий бошқармалар).

10. Худудий бошқармалар давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритади.

3-боб. Марказ ва унинг худудий бошқармалари вазифалари ва функциялари

11. Кўйидагилар Марказ ва унинг худудий бошқармаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча тоифадаги бўш турган нотурар бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини (кейинги ўринларда – бўш турган объектлар) аниqlаш ва ҳисобини юритиш;

бўш турган давлат мулки объектларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шу жумладан давлат мулки объектларини ижарага беришни ташкил этиш;

ижарага берилган давлат мулки объектларини ва уларни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш;

ижарага берилган давлат мулки объектларидан мақсадли фойдаланишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

давлат ташкилотларига биритирилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиши ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириш;

давлат ташкилотларига оператив бошқарув ҳуқуки билан берилган давлат мулки объектларининг ортиқча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш;

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси хулосасига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки объектларини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

бўш турган хусусий мулк объектларини уларнинг мулқдорлари ихтиёрига кўра ижарага берилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш.

12. Марказ ва унинг худудий бошқармаларининг ўзларига юклangan вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

а) бўши турган объектларни аниқлаш ва ҳисобини юритиши соҳасида:

худудларда бўш турган объектларни аниқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

бўш турган объектлар бўйича худудлар, фаолият соҳалари ва мулкчилик шакли кесимида электрон маълумотлар базаси яратилиши ҳамда унинг доимий янгилаб борилишини таъминлайди;

бўш турган объектлар электрон маълумотлар базаси орқали ягона ҳисоби юритилади;

бўш турган объектлар тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ ва сифатли юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва унинг хузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўртасида электрон маълумотлар билан алмашиш тизими йўлга қўйилишини таъминлайди;

электрон маълумотлар базасига киритилган бўш турган объектлар таҳлилини олиб боради;

бўш турган объектларни хўжалик фаолиятига жалб этиш ишларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва Агентликка киритади;

бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий маълумотларни тайёрлайди ва Агентликка киритади;

бўш турган объектларнинг ягона ҳисобини юритиш бўйича маълумотлар базасининг самарали ишлашини қўллаб-қувватлашни таъминлаб бориш чораларини кўради;

бўш турган обьектлар тўғрисидаги маълумотлар (объект тўғрисидаги қисқа маълумот, геолокация жойлашуви ва бошқалар) ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради ва ҳар ойда янгилаб боради;

б) бўши турган давлат мулки обьектларини сақлаши ва улардан самарали фойдаланиши, шу жумладан давлат мулки обьектларини ижарага беришини ташкил этиши соҳасида:

худудий бошқармаларга тегишли бўш турган давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланишни ташкил этади;

давлат мулкини ижарага бериш ишларини белгиланган тартибда ташкил этади;

давлат мулкини ижарага бериш жараёни очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди;

юридик шахс ва тадбиркорлик субъектларига давлат мулки обьектларини ижарага олишларида зарур маълумотларни бериш баробарида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш орқали амалий-ҳукуқий ёрдам кўрсатади;

в) ижарага берилган давлат мулки обьектларини ва уларни ижарага беришидан тушадиган маблагларни ҳисобга олиши ва уларнинг мониторингини олиб бориши соҳасида:

ижарага берилган давлат мулкларини ҳисобга олади ва улардан самарали фойдаланиш ташкил этилганлигини мониторинг қиласди;

давлат мулкини ижарага беришдан тушадиган тушумларни ҳисобга олади ва мониторингини юритади;

г) ижарага берилган давлат мулки обьектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиши соҳасида:

ижара шартнома шартларининг бажарилиши мониторингини амалга оширади;

давлат мулкини ижарага беришдан тушган тушумларни тақсимлаш ва йўналтирилишини назорат қиласди ва ҳисботини юритади;

ижарадан тушган тушумларни назорат қилиш жараёнларига ахборот коммуникация технологияларни кенг жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқади ва амалиётга жорий қиласди;

д) давлат муассасалари (корхоналари)га биректирилган давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланилиши ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириши соҳасида:

бўш турган давлат мулки обьектларни текшириш бўйича ўрнатилган тартибда жойларга чиқилишини ташкил этади;

бўш турган давлат мулки обьектларини хатловдан ўтказиш уларнинг жорий холати ҳамда самарали фойдаланилишини ўрганиш юзасидан худудий

бошқармалар фаолиятини ташкил этишни белгиловчи меъёрий хужжатларни қабул қиласди ва ижросини таъминлайди;

бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш масаласида Марказнинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

е) давлат муассасалари (корхоналари)га оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган давлат мулки объектларининг ортиқча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйши соҳасида:

бўш турган, мақсадсиз, самарасиз фойдаланилаётган ва хўжалик фаолиятига жалб этилмаган бино-иншоотлари (уларнинг бир қисми) бўйича маълумотларни умумлаштириб, манфаатдор томонлар билан ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижаларига қўра бўш турган, мақсадсиз, самарасиз фойдаланилаётган ва хўжалик фаолиятига жалб этилмаган бино-иншоотлари (уларнинг бир қисми)ни Марказ ёки ҳудудий бошқармалар балансига олиш бўйича қарор қабул қиласди;

Марказ ва ҳудудий бошқармалар томонидан бўш турган давлат мулки объектларини балансга олиш бўйича қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг ижроси таъминланишини назорат қиласди;

бўш турган давлат мулки объектларини, Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган объектлар бундан мустасно, сақлаш ва улардан келгусида самарали фойдаланиш (хусусийлаштириш, ижарага бериш ва бошқа) мақсадида Марказ ва ҳудудий бошқармалар балансига олади;

ё) Курилиш соҳасида назорат инспекцияси хulosасига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки объектларини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиши соҳасида:

ҳудудий бошқармалари томонидан бўш турган давлат объектларини бузиш бўйича қарорларини Курилиш соҳасида назорат инспекциясининг хulosаси асосида қабул қилинишини қатъий назоратга олади;

ҳудудий бошқармалари томонидан давлат мулки объектларини бузиш бўйича қабул қилинган қарорлари ижросини таъминланишини ва бузишдан бўшаган ер майдонларини маҳаллий ижро ҳокимияти захирасига олиш ишлари бўйича маълумотларни умумлаштиради ва мониторингини амалга оширади;

ж) бўш турган хусусий мулк объектларини уларнинг мулкдорлари ихтиёрига қўра ижарага берилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш соҳасида:

бўш турган хусусий мулк объектларини ижарага бериш юзасидан мулкдорларга ҳар томонлама амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

хусусий мулкдорларни мурожаатлари асосида объектларини ижарага таклиф этиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида ва марказнинг расмий веб-сайтида эълонлар бериб боради;

хусусий мулкдорларнинг ихтиёрига кўра уларнинг объектлари бўйича ижара муносабатларини тартибга солувчи шартномалар расмийлаштиришни ташкил этади ва уларнинг мониторингини юритади.

13. Худудий бошқармаларнинг худудларда бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этишга йўналтирилган асосий вазифалари ва функциялари Агентлик директори томонидан белгиланади.

4-боб. Марказ ва худудий бўлинмаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1-§.Марказнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

14. Марказ ўзига юклangan вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

йиғилиш, семинар (вебинар), махсус комиссия йиғилиши ва Агентлик ҳайъати мажлисларида иштирок этиш, вазирлик ва идораларга маълумотлар тақдим этиш;

давлат органларидан, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, бошқа давлат ташкилотлари ва хўжалик жамиятларидан Марказга юклangan вазифа ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни сўраб олиш;

бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш, малака ошириш, хорижий ҳамкор ташкилотлар билан ўзаро билим ва тажриба алмашиб мақсадида халқаро молия институтлари, донор ташкилотлар лойиҳалари ва дастурларида иштирок этиш;

бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислар, йиғилишлар, ҳайъат мажлислари ва бошқа муҳокамаларда иштирок этиш;

Марказ фаолиятига алоқадор масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишда иштирок этиш;

марказий аппарат ва худудий бошқармаларда идоравий назоратни, коррупцион ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг, шунингдек, ходимлар томонидан корпоратив ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

белгилангандар тартибда жойларга чиққан ҳолда, бўш турган ёки самарали фойдаланилмаётган давлат объектларини кўриб чиқиш (ўрганиш, таҳлил қилиш).

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Марказ қуидаги мажбуриятларга эга:

қонун ҳужжатлари билан юкланган вазифалар ва функцияларни ўз муддатида ва самарали бажариш;

Агентликнинг топшириқлар ва Марказ ваколатига кирадиган масалалар юзасидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш;

бўш турган обьектлардан самарали фойдаланиш соҳасида халқаро ташкилотлар, давлат органлари ва хорижий давлат ташкилотлари билан имзоланган шартномалар ижросини таъминлаш;

ошкор этилмайдиган маълумотларни ошкор этилиши ҳамда маълумотлардан шахсий ёки бошқа мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслик;

давлат хизматчилари томонидан ижро ва меҳнат интизомига, ички ва умумий тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

тасарруфидаги давлат мулки, товар-моддий бойликларнинг сақланиши, мақсадли ва самарали фойдаланишини таъминлаш;

ушбу Низом билан юкланган вазифалар ва функциялар амалга оширилишини таъминловчи (хатлар, таҳлилий маълумотлар, текшириш далолатномаси, ўрганиш ва мониторинг ўтказиш якуни бўйича тузилган хulosса, қонун лойиҳалари, қарор, буйруқ, кўрсатма, давлат реестрлар, маълумотлар базаси ҳамда бошқа) ҳужжатларни тайёрлаш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2-§. Худудий бошқармаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

16. Худудий бошқармалар ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатларига киравчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларининг худудий бўлинмаларидан статистик, таҳлилий материаллар, хulosалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича Марказга кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларини бузиш ҳоллари маълум бўлиб қолганда, уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўришни сўраб тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат қилиш;

бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислар, йиғилишлар ва бошқа мухокамаларда иштирок этиш;

Курилиш соҳасида назорат инспекцияси хulosасига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки обьектларини бузиш тўғрисида қабул қилинган

қарорни балансда сақловчига тилхат орқали эълон қилиш ва юқори турувчи ташкилот ёки судга 10 кун ичида шикоят қилиш хукуқини тушунтириш, қарор қонуний кучга киргандан кейин уни ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига (кейинги ўринларда – Мажбурий ижро бюроси) юбориш;

давлат ташкилотлариға оператив бошқарув хукуқи билан берилган давлат мулки объектлари (бўш турган қисми)ни, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш тўғрисида қабул қилинган қарори балансда сақловчига тилхат орқали эълон қилиш ва юқори турувчи ташкилот ёки судга 10 кун ичида шикоят қилиш хукуқини тушунтириш, қарор қонуний кучга киргандан кейин уни ижро этиш учун Мажбурий ижро бюросига юбориш.

17. Ҳудудий бошқармалар қуйидаги мажбуриятларга эга:

ўзларига юкланган вазифалар ва функциялар ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш;

худудий бошқармалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришишни таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш соҳасида туман (шаҳар)ларда аниқланган муаммолар таҳлил қилиниши ҳамда умумлаштириш асосида таклифлар тайёрланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш соҳасидаги дастурлар, чора-тадбирлар, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий хужжатлардаги тегишли тадбирлар самарали бажаралиши учун жавоб беради.

5-боб. Марказ раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

18. Қуйидагилар Марказ директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-хукуқий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа қонун хужжатлари ҳамда Агентлик ҳайъат қарорлари, Агентлик директори буйруқлари билан Марказга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг топшириқларини бажариш;

Марказ ва худудий бошқармалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Марказ фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, марказий аппарат ходимлари ва худудий бошқармалар раҳбарларининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Марказ тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, кадрлар захирасини шакллантириш, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

Агентлик директори топшириғи асосида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиши тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ белгиланган муддатларда келишиш учун (виза қўйиш) Агентлик директорига киритиш;

Марказ раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиши тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

ўринбосари ва худудий бошқармалар раҳбарлари фаолияти самарадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиб, Марказнинг ишчи мажлисларида уларнинг ҳисботларини эшитиб бориш, якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

худудий бошқарма раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Марказ ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Марказ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни

қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чоратадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш;

Марказ ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини қарорлар қабул қилиш, ўринбосарини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортишга доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида Агентлик директорига таклиф киритиш, ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

Марказ ва худудий бошқармалар ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равищда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган тартиб ва муддатларда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этиш, Марказ раҳбарлари ва ходимлари Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этишини, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сири ҳисобланадиган маълумотлар ва бошқа махфий ахборотлар билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Марказ номидан иштирок этиш;

зарурат бўлганда, Марказ ва худудий бошқармалар ташкилий тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш;

худудий бошқармалар тузилмаларини ва бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш;

Агентлик директори билан келишилган ҳолда бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан Марказнинг бошқарув ходимлари тузилмасига қўшимча штат бирликларини киритиш;

бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Марказ ва худудий бошқармалар ходимларига асосий эгаллаб турган лавозимлари бўйича

лавозим маошларига (тариф ставкаларига), қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъий назар, устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш;

марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги, шунингдек, ҳудудий бошқармалар тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар қабул қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш;

Марказ ходимларини кўп йиллик, самарали фаолияти ва алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар тузилмалари, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

марказий аппарат ходимлари, ҳудудий бошқармалар бошликлари ва уларнинг ўринбосарлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

бўш турган обьектлардан самарали фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлаш, соҳада фаолият юритаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш ва Марказ тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш.

19. Қуидагилар Марказ директори ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Марказ директори вақтинча бўлмагандан, унинг вазифаларини бажариш;

Марказнинг ўзи мутасаддилик қиласидан таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, улар ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Марказ фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиласидан йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари билан тасдиқланган Марказнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ўзи мутасаддилик қиласидан бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш ва белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи мутасаддилик қиладиган бўлинмалар раҳбарларининг чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришининг амалий тизимини яратиш, Марказнинг фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун марказий аппарат ходимлари ва ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, Марказ директорининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

Марказга тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳукуқий хужжатлар лойиҳаларини марказий аппарат масъул ходимлари томонидан кўриб чиқилиши, уларни иқтисодий, молиявий, ҳукуқий ва бошқа экспертизалардан ўтказилишини назорат қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида Марказ директорига таклифлар киритиш;

ўз соҳа йўналишларида самарадорлик, сифат ва қулайликларни ошириш бўйича Марказ директорига таклифлар киритиш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Марказ ва ҳудудий бошқармалар ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши, ўзи назорат қиладиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат

муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очик мулоқот ўрнатиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган тартиб ва муддатларда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган барча мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

ўз фаолияти соҳасида хорижий давлатлар амалиётини ўрганиб бориш.

20. Куйидагилар Марказ марказий аппарати таркибий тузилмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хукукий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

тегишли бўлинма фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Марказнинг худудий ва таркибий бўлинмалари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда Марказнинг худудий ва таркибий бўлинмалари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни директорнинг ўринбосарига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришининг амалий тизимини яратиш, Марказнинг фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари

тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун марказий аппарат ходимлари ва ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Марказ ҳайъати қарорлари, директорнинг буйруқлари ва фармойишлари, унинг ўринбосари кўрсатмалари ҳамда топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Марказ ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам бериш;

таркибий бўлинмалар фаолияти соҳаларига оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиши учун Марказ раҳбариютига киритиш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишида директор ўринбосарига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, таркибий бўлинмаларда тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини директор томонидан кўриб чиқилиши, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий риоя қилган ҳолда Агентлик директорига (виза қўйилиши) кўриб чиқиши ва виза қўйиш учун киритиш;

таркибий бўлинмага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиши, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Марказ ходимларининг Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган тартиб ва муддатларда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқиширок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган барча мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

иш юритиш соҳасидаги намунали ходимларни аниқлаш ва мукофотлаш юзасидан Марказ раҳбариятига таклифлар киритиш.

21. Куйидагилар Марказнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хукукий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

ҳудудий бўлинмалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари,

Марказнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари билан ушбу бошқармаларга юкландган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

худудий бошқармалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

худудий бошқармалар фоалиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

худудий бошқармалар ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириклари ижроси таъминланиши, ижро интизоми мустаҳкамланиши бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топширикларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Марказнинг ҳайъати қарорлари, директорнинг буйруқлари, фармойишлари ва унинг ўринбосари кўрсатмалари ҳамда топшириклари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Марказ фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

ходимларнинг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, худудий бошқармаларни бошқаришда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш;

худудий бошқармалар фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши назоратини таъминлаш;

худудий бошқармаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, худудий бошқармалар кадрлар захирасини шакллантириш;

Марказ раҳбари номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, худудий бошқармаларга ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини

билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

худудий бошқармалар ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чоралар кўриш;

худудий бошқармалар ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ худудий бошқармаларда, давлат архивлари ва уларнинг филиалларида коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда Марказнинг худудий бошқармалари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Марказга киритиш;

худудий бошқармалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равища танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

худудий бошқармалар ва уларнинг бўлинмалари фаолиятига оид масалалар бўйича қонун хужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифатини ошириш ва улардан эркин фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда кўриб чиқиш учун Марказ раҳбариятига киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, ахоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, мунтазам равища шахсан, шу жумладан, сайёр қабуллар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

худудий бошқармалар ходимларининг лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида Марказга таклифлар киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, судларда ва ташкилотларда Марказнинг ҳудудий бошқармалари манфаатларини ифода этиш.

6-боб. Марказ раҳбарларининг жавобгарлиги

22. Марказ директори:

мазкур Низом ва бошка қонун хужжатлари билан Марказга юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Марказ тизимида ижро интизомига қатъий риоя этилиши;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

23. Марказ директори ўринбосари:

мутасаддилик қилинаётган йўналишлар бўйича соҳаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга оид чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

24. Ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари:

Ҳудудий бошқармага юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

тегишли ҳудудда бўш турган обьектлар ҳолати тўғрисида Агентликка ҳаққоний таҳлилий ва бошка ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

7-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

1-§. Марказ раҳбарияти

25. Марказга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Агентлик директорининг ўринбосари – Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишини ташкил этиш маркази директори раҳбарлик қиласи.

26. Марказ директорининг ўринбосари директор тақдимномасига асосан Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

27. Марказ директори бўлмаган вақтда унинг вазифалари Марказ директорининг ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса Агентлик директорининг бўйруғига асосан марказий аппарати раҳбар ходимларидан бири томонидан амалга оширилади.

28. Ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари Марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

2-§. Марказ ҳайъати, бошқа маслаҳат, консультатив ва эксперт органлари

29. Марказда директор (ҳайъат раиси), унинг ўринбосари (лавозимига кўра), Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат аъзоларнинг сони ва шахсий таркиби марказ директорининг тақдимномасига биноан Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

30. Ҳайъатга қуидаги вазифалар юкланди:

Марказ фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонун хужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Марказ тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда, ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

Марказ фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилиши натижадорлигини ҳар чорақда ва заруратга кўра навбатдан ташқари муҳокама қилиб бориш;

Марказ фаолияти доирасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишни таъминлаган ҳолда, ҳайъатнинг кенгайтирилган, жумладан жойларда сайёр мажлислар ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

марказий аппарат лавозимлари номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Марказ директори бўйруғи билан лавозимга тайинланадиган лавозимлар номенклатурасидаги ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириклари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш учун Марказ раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Марказ ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

31. Ҳайъат мажлисига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

32. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

33. Ҳайъат қарорлари ижроси Марказ директорининг буйруқлари билан амалга оширилади.

34. Марказ директори ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда, директор юзага келган келишмовчилик ҳақида Агентлик директорига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қиласди. Ҳайъат аъзолари келишмовчилик юзасидан ўз фикрини Агентлик директорига ёзма хабар қилиши мумкин.

35. Ҳайъат фаолияти тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

36. Марказда кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари тузилиши мумкин.

37. Марказ хузурида тузиладиган кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари таркиби ва улар тўғрисидаги низомлар Марказ директори томонидан тасдиқланади, уларнинг таркиби ва низомлар Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланадиган ҳолатлари бундан мустасно.

8-боб. Марказ фаолиятининг самарадорлиги баҳолаш мезонлари

38. Марказ фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

39. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳо Марказ директори томонидан тасдиқланадиган Марказ фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

40. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Марказ раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Марказ фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

41. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуби қонун ҳужжатлари билан белгиланиши мумкин.

**9-боб. Марказнинг давлат бошқаруви органлари,
маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа
ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

42. Марказ ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Марказ ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига бўш турган обьектлар рўйхатини киритиб боради.

43. Марказ бўш турган обьектлар тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган тизим орқали олишда тегишли давлат органлари билан ҳамкорлик қиласди.

44. Ҳудудий бошқармалар ўз ваколатлари доирасида давлат бошқаруви органларининг ҳудудий органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

45. Балансда сақловчилар ўзига тегишли бўш турган давлат мулки обьектларини, Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган обьектлар бундан мустасно, сақлаш ва улардан келгусида самарали фойдаланиш (хусусийлаштириш, ижарага бериш ва бошқа) мақсадида тегишлигича ҳудудий бошқармаларга топширади.

46. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги доимий равишда бўш турган давлат обьектларни аниқлаб, уларни Марказ ва унинг ҳудудий бошқармаларига оператив бошқарув ҳукуки асосида ўтказиб бориш чораларини кўради.

**10-боб. Марказ ва ҳудудий бошқармалар фаолиятини
молиялаштириш ва уларнинг ходимларини ижтимоий
кўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантириш**

47. Қуйидагилар Марказ ва ҳудудий бошқармалари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

давлат мулки объектлари ижарасидан қонунчилиқда белгиланган тартибда тушадиган маблағлар;

Агентлик ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари;

Марказнинг вақтинча бўш маблағларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларига белгиланган тартибда жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий хукумат молия ташкилотларининг маблағлари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

48. Марказ ва худудий бошқармалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Агентлик ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси, Марказнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

49. Марказ директори марказий аппарат ва худудий бошқармалар даромадлари ва харажатлари сметасини, шунингдек, штатлар жадвалини (уларга ўзгартиришларни) тасдиқлайди.

Марказнинг марказий аппарати даромадлари ва харажатлари сметаси, шунингдек, штатлар жадвали Агентлик томонидан рўйхатдан ўтказилади ва марказий аппарати молиявий ҳисботи Агентликка топширилади.

Худудий бошқармалар даромадлар ва харажатлар сметаси, шунингдек, штатлар жадвали ҳудудий молия органлари томонидан-рўйхатдан ўтказилади ҳамда молиявий ҳисботини ҳудудий молия органларига топширилади.

Марказ томонидан ҳудудий бошқармалар даромадлар ва харажатлар сметаси, шунингдек, штатлар жадвалининг йиғма маълумоти (жамланмаси) Агенликка тақдим қилинади.

50. Худудий бошқармалар шахсий ғазна ҳисбарақларида жамланадиган маблағлардан қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўловлар амалга оширилгандан кейин қолган маблағлар тўлиқлигича Марказнинг ғазна транзит ҳисбарағига ўтказилади ва тегишли молия йили учун тасдиқланган марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар даромадлари ва харажатлари сметасига асосан қайта тақсимланади.

51. Марказ ва ҳудудий бошқармалар ходимларининг иш ҳақи, лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалар Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари ва тартиблари асосида амалга оширилади.

52. Марказнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказнинг ходимларини ижтимоий таъминлашга, шунингдек,

Марказ раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга, шунингдек Марказ фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлари амалга оширилади.

11-боб. Марказнинг ҳисобот берниши

53. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили 1 апрелга қадар бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

12-боб. Марказни тугатиш ва қайта ташкил этиши

54. Марказ қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тугатилиши ёхуд қайта ташкил этилиши мумкин.

55. Марказнинг тугатилиши, хукуқлар ва мажбуриятлар ҳукуқий ворислик тартибida бошқа шахсларга ўтмасдан, унинг фаолияти тўхтатилишига олиб келади.

Марказни қайта ташкил этишда унинг хукуқ ва мажбуриятлари ҳукуқий ворисга ўтади.

13-боб. Якунловчи қоида

56. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

